O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ DEPUTATLARI YUNUSOBOD TUMAN KENGASHINING QARORI

2022 - yil 5 - yanvar II-57-1-14-206-K/22 Yunusobod tuman hokimligi

2022 йил учун Юнусобод туманининг маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742-сонли Қонуни, Бюджет кодексининг 99-моддасига асосан ҳамда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-53-165-14-0-K/21-сонли қарорига мувофиқ Халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742-сонли Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) ҳамда Хё1ё1алқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-53-165-14-0-K/21-сонли қарори (кейинги ўринларда Қарор деб аталади) маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қарорга асосан 2022 йил учун Юнусобод тумани маҳаллий бюджетини шакллантириш:

а) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ҳамда Юнусобод тумани маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан солиқ;

юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

б) Қуйидаги солиқ турлари Юнусобод тумани маҳаллий бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи, тамаки маҳсулоти учун акциз солиғи ва алкогол маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра Юнусобод тумани аҳолисини Тошкент шаҳри ва республика аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. 2022 йил учун Юнусобод тумани маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

4. 2022 йил учун Юнусобод тумани маҳаллий бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2022 йил учун Юнусобод тумани маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда, ажратма меъёрлари бўйича шаҳар маҳаллий бюджети билан туман маҳалий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда Юнусобод тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2022 йил учун Юнусобод тумани маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори **1.944.165,0 минг сўм** этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2022 йил учун Юнусобод тумани маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳажми **1.765.843,0 минг сўм** миқдорида белгилансин. Захира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

8. 2022 йилда Тошкент шаҳрининг умумтаълим муассасаларини, мактабгача таълим ташкилотларини, соғлиқни сақлаш муассасаларини ва ичимлик суви билан таъминлаш тизими объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга доир харажатлар Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

9. Юнусобод тумани маҳаллий бюджетида шаклланган қўшимча манбалардан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар Халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлиги таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиш мақсадида қабул қилинади.

10. Юнусобод тумани ҳокимлиги, туман Молия бўлими ва тумандаги бюджет маблағларини тақсимловчилари:

туман ҳокимлиги ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилсин;

туман маҳаллий бюджети маблағларини тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар учун харажатларнинг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда

шакллантирилишини назоратга олсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат ҳаридлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек, қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10-санасига қадар туман ҳокимлиги томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирилсин;

туман маҳаллий бюджети параметрларининг 5 фоизи ва туман маҳаллий бюджети қўшимча манбаларининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирсин ва веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

11. Юнусобод тумани ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Тошкент шаҳар ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан таклифлар киритсин.

12. Юнусобод тумани ҳокимлиги:

тегишли равишда бюджет маблағлари тақсимловчиларининг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини Кенгашга киритилишини таъминласин;

бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичлари бўйича бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет

маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин;

Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўловлар ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

13. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

14. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Юнусобод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мухитдинов зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Ж.Ибрахимов**

Халқ депутатлари Юнусобод
туман Кенгашининг
2022 йил 5 январдаги
II-57-1-14-206-K/22-сон қарорига
1-илова

2022 йил учун Юнусобод тумани маҳаллий бюджети даромадлари прогнози

минг сўмда

Т/р	Даромад турлари	Жами
Даромадлар ЖАМИ:		**187 102 989,0**
1.	Жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи	6 775 000,0
2.	Қонун хужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар	6 086 000,0
3.	Акциз солиғи, *шундан:*	89 365 989,0
-	якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги	31 781 000,0
-	алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун	21 794 840,0
-	мобил алоқа хизмати учун	12 416 351,0
-	тамаки маҳсулотлари учун	23 373 798,0
4.	Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	3 049 000,0
5.	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	27 057 000,0
6.	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	4 617 000,0
7.	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	15 159 000,0
8.	Айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови)	28 367 000,0
9.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно	6 627 000,0

Халқ депутатлари Юнусобод
туман Кенгашининг
2022 йил 5 январдаги
II-57-1-14-206-K/22-сон қарорига
2-илова

2022 йил учун Юнусобод тумани маҳаллий бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган ажратмаларнинг чекланган миқдори

минг сўмда

Т/Р	Кўрсаткичлар	Маблағ миқдори
Харажатлар миқдори Жами		**187 102 989,0**
	жорий харажатлар:	***187 102 989,0***
1.	**Маориф**	**37 058 033,0**
	жорий харажатлар:	*37 058 033,0*
-	**Мактабгача таълим соҳаси**	***18 391 830,0***
	жорий харажатлар:	*18 391 830,0*
-	**Халқ таълими соҳаси**	**18 666 203,0**
	жорий харажатлар:	*18 666 203,0*
2.	**Соғлиқни сақлаш соҳаси**	**81 417 712,0**
	жорий харажатлар:	*81 417 712,0*
3.	**Тиббий-ижтимоий хизматлар учун харажатлар**	***129 600,0***
	жорий харажатлар:	*129 600,0*
4.	**Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари**	**7 203 967,0**
	жорий харажатлар:	*7 203 967,0*
-	**Маданият ва оммавий ахборот воситалари соҳаси**	**1 932 838,0**
	жорий харажатлар:	*1 932 838,0*
-	**Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси**	**5 271 129,0**
	жорий харажатлар:	*5 271 129,0*
5.	**Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар**	**12 925 452,0**
	жорий харажатлар:	*12 925 452,0*
6.	**1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглаштирилган шахслар учун асосий турдаги озиқ-овқат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари**	**44 611,0**
	жорий харажатлар:	*44 611,0*
7.	**Ижтимоий кўникма марказлари**	**231 175,0**
	жорий харажатлар:	*231 175,0*
8.	**Ободонлаштириш соҳаси**	**16 097 911,0**
	жорий харажатлар:	*16 097 911,0*
9.	**Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун**	**2 561 568,0**

	жорий харажатлар:	*2 561 568,0*
10.	**Давлат бошқарув органларини сақлаш**	**8 520 294,0**
	жорий харажатлар:	*8 520 294,0*
11.	**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш**	**10 321 195,0**
	жорий харажатлар:	*10 321 195,0*
12.	**Заҳира жамғармаси**	**1 765 843,0**
	жорий харажатлар:	*1 765 843,0*
13.	**Фуқаролар ташаббуси жамғармаси**	**8 825 628,0**
	жорий харажатлар:	*8 825 628,0*

Халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгашининг
2022 йил 5 январдаги
II-57-1-14-206-K/22-сон қарорига
3-илова

2022 йил учун Юнусобод туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Туман номи	Айланмадан солиқ	Якуний истеъмолиларга бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализацияси қилишдан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
1.	Юнусобод тумани	28%	72%	7%	10%	100%